

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING XXV СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 42 (5646).

29
ФЕВРАЛЬ
ЯКШАНБА

1976 йил

Баҳоси 2 тийин.

Москвада, Кремлнинг Съездлар

саройида Совет Иттифоқи Ком-

мунистик партиясининг XXV

съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди 28 февраль кунин Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

«КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладни ва Марказий Ревизия комиссияси ҳисоботини муҳокама қилишда КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Ф. А. ТАБЕЕВ, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. И. КОНОТОП, Беларуссия Компартияси Гродно район партия комитетининг биринчи секретари А. И. БЕЛЯКОВА, СССР Композиторлар Союзи правленийсининг биринчи секретари Т. Н. ХРЕННИКОВ, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. С. ДЕМИРЧЯН, КПСС Оренбург область комитетининг биринчи секретари А. В. КОВАЛЕНКО ўртоқлар қатнашдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган Франция Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ГАСТОН ПЛИССОНЬЕ, Хиндистон Коммунистик партияси Миллий Кенгашининг Раиси ШРИПАД АМРИТ ДАНГЕ съездни табрикладилар.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг ва Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. ГРИШКЯВИЧУС, Украина Компартияси Днепротропск область комитетининг биринчи секретари А. Ф. ВАТЧЕНКО ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Совет Иттифоқи қаҳрамон Куролли Кучларининг делегацияси шон-шухратларга бурканган жанговар байроқлар остида залга кириб келди. Съезд делегатлари ва меҳмонлари Ватанимиз ҳимоячиларини гулдўрос қарсақлар билан кутиб оладилар. Стратегик ракета қўшинлари дивизиясининг командири генерал-майор С. Г. КОЧЕМАСОВга сўз берилди.

Генерал-майор Кочемасов КПСС XXV съезди делегатлари ва меҳмонларини совет Куролли Кучларининг шахсий состави номидан табриклаб, Ленин васиятларига содиқ бўлган СССР Куролли Кучлари

партиянинг синалган раҳбарлигида коммунизмнинг буюк ишига бундан буён ҳам садоқат билан хизмат қилади, жонажон Ватанимизнинг муқаддас чегараларини мустақкам қўриқлайди, деб Коммунистик партия билан совет халқини ишонтиради. Совет Иттифоқининг Куролли Кучлари Варшава шартномаси мамлакатларининг қардош армиялари билан биргаликда социализмнинг буюк ғалабаларини ҳимоя қилишга ва ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба беришга ҳамиша шайдир.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети билан Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари Ф. С. ГОРЯЧЕВ, Кустанай область, Боровский районидаги «Харьковский» совхозининг тракторчиси К. Б. ДОНЕНБАЕВА, КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари М. З. ШОКИРОВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Шундан кейин делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган Испания Коммунистик партиясининг Раиси ДОЛОРЕС ИБАРРУРИ, Конго Меҳнат партияси Марказий Комитети махсус революцион штабининг аъзоси ЖАН ПЬЕР ЧИСТЕР—ЧИКАЯ ўртоқлар съездни табрикладилар.

Коммунистик ва миллий-демократик партияларнинг вакиллари: Марокаш Тараққиёт ва социализм партиясининг Бош секретари АЛИ ЯТА, Габони-Жанубий Африка халқ ташкилоти (НАМИБИЯ) Миллий Ижроия Комитетининг аъзоси, маъмурий секретари МЕЗЕС ГАРОИБ, Гватемала Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси АНДРЕС ГОНСАЛЕС, Голураас Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ДИОНИСИО РАМОС, Гаити коммунистлари Бирлашган партияси раҳбарлигининг аъзоси ЖАК ДОРСИЛЬЕН, Судан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари РЕЙНАЛЬДО МАРИН ўртоқлар, шунингдек Индонезия, Тунис ва Филиппин Коммунистик партияларининг вакиллари Москва шаҳар ва ҳарбий-ўқув юртлари партия ташкилотларининг 28 февралда бўлиб ўтган йиғилишларида сўзга чиқиб, КПСС XXV съездини табрикладилар.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ А. КУНЬЯЛ БИЛАН УЧРАШДИ

28 февраль кунин КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Португалия Компартиясининг Бош секретари ўртоқ А. Куньял билан учрашди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. Сусллов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзо, лигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Б. Н. Пономарев қатнашдилар.

Самимий сўхат чоғида Л. И. Брежнев, М. А. Сусллов, Б. Н. Пономарев ва А. Куньял ўртоқлар ҳалқаро вазиятнинг ақтуал масалаларини ҳамда КПСС билан ПКП ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Португалия ўртасидаги муносабатлар ҳусиди фикрлашиб олдилар.

А. Куньял Совет Иттифоқининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги муваффақиятларини қўлига баҳолди. КПССнинг XXV съезди коммунизм йўлида янги дэврини бошлаб беради, деб таъкидлади у.

Совет халқларининг коммунистик курилишдаги муваффақиятлари — социализмнинг капитализмдан афзалликларини кўрсатувчи аққол мислидир, барча мамлакатлар меҳнат-

кашларининг озодлик, миллий мустақиллик, тинчлик ва социал тарққиёт йўлидаги кураши учун муҳим омилдир.

А. Куньял Португалиядаги сиёсий вазиятнинг ривожига тўғрисида ахборот берди. Унг кучлар ва реакциянинг мамла. катти тараққиёт, миллий мустақиллик ва демократия йўлидан ривожланишига ҳалақат беришга уринишлари тўғрисида давом этмоқда, деб уқтирди у. Революция учун мураккаб бўлган шу даврда Португалия Компартияси Португалия халқининг революцион ғалабаларини ҳимоя қилиш, реакция кирдикорларига кескин зарба бериш ва фашизм ҳафтини тутатиш йўлида мамлакатнинг ҳама демократик ва тарак қийларав кучларини бирлаштириш учун сабот билан курашмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида Португалиядаги воқеаларнинг ривожига зўр эътибор билан кузатиб турилганини айтиб ўтди. Совет коммунистлари, мамлакатимизнинг бarcha меҳнаткашлари Португалия Компартияси ва Португалия демократларига гоёт хайрхоҳ ва қардошларча бирдам эканликларини изҳор этмоқдалар.

Тинчлик программасини изчиллик билан амалга ошираёт.

ган, Хельсинкидаги кенгашиш ақуловчи ақига содиқ бўлган Совет Иттифоқи янги Португалия билан ҳар тарафлама ҳамкорлигини Португалия Республикасининг президенти К. Гомешининг СССРга визити вақтида эришилган аҳдномалар асосида ва руҳида янада ривожлантириш тарафдоридир. Совет Иттифоқи, Португалиянинг ички ишларига ақибийларнинг ҳар қандай аралашувини кескин қоралайди.

Ангولا мустақил деб эълон қилинганлиги ва МПЛА раҳбарлигида Ангولا Халқ Республикаси берпо этилганлиги ангол халқининг ва Португалия демократик кучларининг катта ғалабаси бўлганлиги учрашувда қайта қайта таъкидланди.

ПКП Бош секретари Португалия меҳнаткашларининг озод ва демократик Португалия йўлида олиб бораётган кураши билан интернационал бирдамликларни учун Португалия ком. ва КПССдан гоёт миннатдор эканликларини айтди. КПСС ва ПКП раҳбарлари нқалла партия ўртасидаги мустақкам дўстлик алоқаларини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализм таълимоти асосида бундан буён ҳам қўлайтиришга интилоётганликларини изҳор этдилар.



КПСС XXV съезди мажлислар залида.

В. Бородин фотоси, («Сельская жизнь» газетаси).

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН— КОММУНИЗМ САРИ

Москвада КПССнинг XXV съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Делегатлар КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг докладини юксак ишчанлик билан муҳокама қилмоқдалар.

КПСС XXIV съезидан кейин ўтган йиллар, деди Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Г. Кэбиг, мамлакатимиз ҳаётида одамларнинг бахт-саодати йўлида, коммунизм қуриш йўлида зўр бериб ва айни вақтда илҳом билан меҳнат қилинган йиллар бўлди.

Эстония ССР меҳнаткашлари, деди нотик, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида янгиликлар йил ва умуман беш йиллик реални мустақкам илгари бажардилар. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида республикада саноат маҳсулоти 41 процент кўпайиб, белгиланган даражадан ошиб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумида партия аграр сиёсатининг қолхоз ва совхозлар ривожини ҳозирги шароитларига мос келадиган асосларни ишлаб чиқилди. Бугун биз бу сиёсатнинг тўғрилиги ва самарадорлигини қайта қайта таъкидлашга ҳақимиз.

Ўтган йиллар партияимизни ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг янги таърибаси билан бойитди, деб давом этди, сўнгра ўртоқ И. Г. Кэбиг. Партия ҳужжатлари алмаштирилганлиги партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини кучайтиришга, коммунистларнинг КПСС устав талабларини бажариш учун бўлган масъулиятини оширишда бениҳоя муҳим роль ўйнади.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Е. М. Тилежников сўз олади. 35 миллион комсомол, барча совет ёшлари, деди у, КПСС Марказий Комитетининг Лениннинг сиёсий йўлини ва ақлий фаолиятини ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳисобот докладига — баён этилган программани қўллар ва хулосаларини тўла-тўқна маъқуллайдилар.

Тўққизинчи беш йиллик, деди сўзини давом эттириб нотик, комсомоллар ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш мактаби бўлди. 25 миллиондан ортиқ ёш меҳнатчи беш йиллик топириқларини мустақкам илгари бажарди. Беш йилликнинг 40 минг ёш гвардиячиси, ўқиб аълочиси, жанговар хизмат аълочиси халқимизнинг муқаддас ғалаба байроғи ёнида суратга тушди.

Партия даъватига лаббай

деб жавоб бериб, ҳамиша асосий марраларда коммунистлар билан бирга бўлиш — комсомолларнинг энг муҳим аниҳанасидир. Комсомол беш йиллик даврида Ғарбий Сибир районларига 30 минг йигит ва қиз юборди. Қўнғилчиларнинг биринчи отряди БАМга шу ердан, Кремдан, комсомол XVII съезидан жўнаб кетди. Ҳозир эса магистрал қурилишида 35 минг йигит ва қиз меҳнат қилмоқда. Қора туپроқли бўлмаган зонани янада ривожлантириш партия бениҳоя муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифа, деди нотик, қўриқ ер деб атайди. Бу даъватга миғиллаб йигит ва қизлар лаббай деб жавоб беришди.

Ленин комсомол партия XXV съездини ташкил этиш ва гоийин ишхўшдан ҳар қачонгидан ҳам жипшасан, партиянинг ҳар қандай топириқини бажаришга тайёр ҳолда кутиб олди. Ленин комсомолларнинг партия XXV съезидида топириқларини рапортга имзо чекишдек фахрли ҳуқуқини олиш учун бошланган мусобада мислсиз кенг қулоқ эъди. 1 миллион 750 минг нафар ёш беш йиллик гвардиячиси, ўқиб ва ҳарбий хизмат аълочиси, фан, маданият арбоби, олимпиада чемпионолари шу ҳуқуқни олдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари бу рапортни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга совет ёшларини улуғ Коммунистик партияга, Ленинни Марказий Комитетга чексиз муҳаббат ва садоқат тими соли сифатида топширди.

Ўтган йилларда халқаро майдонда жуда мураккаб, гоёт эҳтиётли ва қатъи вазият рўй берган даврлар кўп бўлди, деди КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. А. Бондаренко. Бундай вазият Марказий Комитетнинг, унинг Сиёсий бюросининг аъзо, Лениннинг дошмадлик билан иш қуришни, масъулият қарорлар қабул этиб, ҳаракат қилишни талаб этди, халқлар ва давлатларнинг тақдирини шунга боғлиқ эди. Биз ўз Марказий Комитетимиз, Сиёсий бюро, унинг раҳбарлари шундай талант соҳиб эканликлари билан фахрланамиз.

Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумида ишлаб чиқилган партия аграр сиёсатининг тўғрилиги ва ҳаётийлигини тўққизинчи беш йиллик аққол исботлади. Об-ҳаво шароитлари жуда нуқудай келишга қарамай, қишлоқ хўжали-

гида ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажми беш йиллик мобайнида 16 процент кўпайди.

Ўртоқ И. А. Бондаренко сўзининг охирида бундай деди: биз қилинган ишларга партиявий баҳо берад эканмиз, ҳали ишмишда ҳал этилмаган қўнғина масалалар, камчиликлар борлигини ҳам тан оламиз. Келгусида, бутун партия ташкилоти шу масалалар ва камчиликларни ҳал этиш учун сабот билан ишлайди.

Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Ф. Гапуров янгибортга чиқди. Совет Туркменистонини деди у, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайтириш юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларини муваффақиятлар равишда бажарди.

Бизнинг муваффақиятларимиз, деди сўнгра нотик, Коммунистик партиянинг доно Ленинча миллий сиёсати изчиллик билан амалга оширилганлигининг, оғамиз — улуғ рус халқи ва бенов Ватанимиздаги бошқа халқлар ҳар томонлама ёрдам бераётганлигининг натижасидир.

Ўртоқ М. Ф. Гапуров республикада ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш истиқболларига, унинг табиий ресурсларини комплекс фойдаланишга катта эътибор берди. Бутун мамлакат каби Туркменистоннинг халқ хўжалиги ҳам унинг беш йилликда юксак суръатлар билан ривожлана беради, деб уқтирди у.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети Президенти Ижроия Комитетининг секретари ўртоқ С. Долан, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий Комитетининг аъзоси, КХДР Маъмурий Кенгаши бош вазирининг ўринбосари ўртоқ Пак Сен Чер, Ангولا Халқ озодлик ҳаракати (МПЛА) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ангولا Халқ Республикаси ички маъмурий вазирини ўртоқ А. Батиста съездни табрикладилар.

Ленин партияси XXV съезида делегат бўлиб қатнашмишдек юксак шарафга муассар бўлганлигини учун бениҳоя бахтирман, деди Старополь ўлкасининг Советниково ўрта мактабининг илмий муdiri ўртоқ О. К. Гутцева. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг ёрқин, сермазун доклади ҳар биримизда зўр таассурот қолдирди. Бу докладда партия ва халқнинг гоёт катта бунёд-

корлик фаолияти ўзининг бутун улғуворлиги билан намойён бўлди.

Мен 1941 йилда, шогирдларимнинг ота-оналари фронтда жанг қилиб турган йилда мактабда биринчи дара беришга киришган эдим. Ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери совет кишилари тинчлик осмони остида яшаб келмоқдалар. Шу бондан бизнинг болаларимиз уруш йиллигини билмайдилар. Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети тинчлик программасини қатъият билан амалга оширмоқдалар. Делегат муаллимлар номидан, болаларни ўстириб воёга етказиб турган ҳамада номидан ўртоқ Леонид Ильич Брежневга тинчлик манфаатлари йўлида қилаётган жуда катта ишлари учун қўнғилдан миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этди.

Муаллимлар, деди делегат, таълим ва тарбиянинг изгўр методларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган масалаларни амалий ҳал қилиб беришни тезлаштириш керак, деб ҳисоблайдилар. Ўқитишнинг техника воситаларини, ўқитиш асбобларини ва қўрсатмалар кўрсатилган фан ва техника тараққиётининг ҳозирги даражасини ақс эттирувчи қўлланмаларни ишлаб чиқишнинг анча тезлаштириш зарурлиги етилган масала бўлиб қолди. СССР Маориф вазирлигини ва СССР Педагогика Фанлари академияси илгўр таърибни янада активроқ умумлаштириш беришлари — тарбиянинг ишнинг бутун системасини ағзалли олинда муаллимга қўмақлаштишлари лозим.

Нотик қўл автомобиллари ишлаб чиқаришни янада қўлайтириш билан алоқадор проблемаларга тўхталиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ КПСС XXV СЪЕЗДИГА ДОКЛАДИ НАШР ЭТИЛДИ

ВАРШАВА, 28 февраль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС XXV съезида «КПСС Мар-

казий Комитети ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисида қилган доклады бу ерда пол- кит тилида нашр этилди.

НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТ

28 февралда область партия хўжалик ва идеология активи мактабининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Машғулотида Москва Давлат университети профессори, философия фанлари доктори А. Ф. Зотов «КПСС XXV съезди ва илмий-техника революцияси масалалари», Тош-

кент олий партия мактаби доденти, иқтисодий фанлари кандидати Б. М. Фопанов «КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съезидида ҳисобот доклады асосида иқтисодий сиёсатнинг асосий масалалари» деган темаларда лекциялар ўқидилар.

(TACC).

Ҳақиқат шеърлари

ПАРТИЯНИ ЎЙЛАСАК...

Қачонки партияни ва Ленинни ўйласак,
Иқтилобни ўйлашми, ўтмишларни эйтиб ёд.
Авж пардада соз чалиб, иқтилобни куйласак,
Бу олий мавзу эрур, адо бўлас умрбод.
Исоният бахтига тугилгани партия,
Энг аввало партия, сўнг тугилди иқтилоб.
Қосираган элнинг танобини торт деб,
Ленин тузган партия бизларга этди хитоб.
Чаманларда гул каби очилди, қиз, жувонлар,
Иқтилобчи мардларнинг опасно-опаси.
Келди хуруят замон, келди даву давронлар,
Қурашларда олгини Лениннинг замонаси.
Баҳор келди Октябрь тоғи билан баробар,
Маздурларга баҳор, элларга қаҳратон.
Қўл ушлашди эл-элат, барча бўлиб биродар,
Ленинга эргашиб, ҳужум қилди беомон.
Эскиликни емирди бизнинг пўлат мушкетиз,
Икки бошлиқ кузунинг мажаслаиди жўш.
Бунинг учун шарафлаб, эслар етти пуштимиз,
Гурур билан уралди сурур тўла сийнаси.
Машъадалар ёқилди иқтилоб шарафига,
Уларни қуриқловчи партиямиз, табиий.
Халқни бошлар ҳар қачон бахт анигани тарафга,
Коммунага боришда партиямиз мураббий.
Коммунистларга салом, коммунистларга шараф!
Коммунистлар авангард, партия жангчилари.
Ҳар жабада олдинда борар улар сафма-саф,
Коммунистлар ҳақиқат ангиллик жарчилари.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ



Тошкентдаги Охунбобоев номли шаҳар маданият уйида кўплаб ишчи ва хизматчилар ўзлари севган санъат турлари тўғрисида муҳокамалар қилишмоқда. Суратда: М. Нуриддинов фотоси.

Спорт

ЕШ ФУТБОЛЧИЛАР ТУРНИРИ

Душанбе шаҳрида еш футболчиларнинг анъанавий халқаро турнири шарт олд. Эсингизда бўлса, шундай турнир ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган эди. Душанбегача тўпланган ўрта тарма команда ўзaro икки гуруҳга бўлиниб курашнинг бошлариди. Биринчи гуруҳга Тошкент, Венгрия, Чехословакия, ГФР ва СССР-1 командалари кирган. Иккинчи гуруҳда эса РСФСР, Финляндия, ГДР, Польша ва СССР-2 командалари ўзаро беллашмоқдалар.

Дастлабни учрашуларда ГФР футболчилари Чехословакия командасини 2:0, ГДР футболчилари Польша командасини 1:0, СССР-1 командаси эса Венгрия еш футболчиларини 3:0 ҳисобида маглубиятга учратдилар.

СССР-2 командаси билан

Финляндия командаси ўртасидаги учрашуни ҳам қизиқарли ўтди. Бу учрашувада ёшларимиз 2:0 ҳисобида ғолиб чиқиб, туркишган эди. Орадан кўп ўтмай манзара ўзгарди. Финляндия ёшлари ташаббусини қўлга олиб, рақиб дарвозасига кетма-кет учта тўп киритдилар. Матч охиридаги ёшларимиз активлиги кучайиб учрашунинг 3:3 ҳисобида дуранг натижа билан тугатишга муваффақ бўлдилар. Команда составида Тошкент спорт-интернати талабаларидан Г. Демакин ва Р. Агисhev ҳам иштирок эталти.

НАВБАТДАГИ ҒАЛАБА

Иккинчи лига командалари мамлакат чемпионатида қатнашган Тошкентнинг «Бинокор» ҳоккейчилари ўз майдонларида Новосибирск шаҳрининг «Металлург» ҳоккейчи-

ларини қабул қилиб, навбатдаги ғалабани қўлга киритдилар. Биринчи кўнги учрашувада тошкентликлар рақиб дарвозасига жавобсиз олтига шайба киритишган эди. Такоррий учрашува ҳам 6:2 ҳисобида «Бинокор» фойдасига ҳал бўлди. «Бинокор» энди навбатдаги турнир сафарда ўтказди.

СУВ УСТИДА БАҲС

Суё полоси бўйича биринчи лига командалари мамлакат чемпионатининг биринчи давра биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Командалар Горький ва Тошкент шаҳрларида ўзаро куч синашдилар. Горькийда бўлган учрашуларда Харьковнинг «Локомотив» командаси пешқадам бўлди.

Тошкентдаги бахсларда Москванинг «Торпедо» ва Ленинграднинг «Балтика» командалари биринчи ва иккинчи ўринни эгаллашди. Тошкентнинг «Локомотив» командаси эса 7 очко билан учинчи ўринга кўтарилди.

Биринчи турнинг якуловчи матчи янги ойда ўтказилди. Ушбу матчида Тошкентнинг «Бинокор» ҳоккейчилари ўз майдонларида Новосибирск шаҳрининг «Металлург» ҳоккейчи-

МАЪНАВИЙ ҒУЗАЛЛИК УЧУН

Ораминда шундай кишилар борки, улар қайси давримизда ишлашларига қарамай, ўзларини ҳақиқат ҳисоб қилишди, деб билдилар. Улар ҳамма вақт халқ билан ҳамнафас иш тутдилар, билмаганларини халқдан ўргандилар ва билганларини, орттирган тажрибаларини дўстлари, ўртоқлари билан баҳам кўрдилар.

Ана шундай коммунистик ахлоқ хислатларини Қуйи Чирчиқ районидagi «Ленинград» колхозчи раиси В. И. Пақ, «Заря» коммунизми колхоз раиси В. А. Хан, «Ўзбекистон» ССР беш йиллиги совхоз директори С. Зокиров, Кетмонтепа луб заводи директори З. Р. Муртозаев, район суғорish системаси бошқармаси бошлиғи В. Т. Куриленко, «Нова жин» шифонаси бош врачиси А. Исмоилов, 24-мактаб директори Ж. Секеров, район колхозлараро курилиш бошқармаси участка инженериси А. Абдумутлов, «Ўзбекистон» ССР беш йиллиги совхози дондор заводи бошлиғи Энвер Алиев ўртоқларнинг фаолиятида кўриш мумкин.

Меҳри офтоб, қалби оташ кишилар ораминда кўплаб тоғилди ва уларнинг ишлари хотирамизда ўчмас из қолдиради.

Свердлов номли колхозда истиқомат қилувчи Ахром Ҳамзаевлар оиласида уч ака-ука бола-чақалари би-

лан бир кичик ҳовлида икки ўғлининг биттадан хонасида қийин шароитда яшардилар. Чин дўст меҳри офтоб кишилар уларга ёрдам қилини қўздилар. Колхозчи Рашид Воҳидов буш турган икки хонали уйини А. Ахромовга, колхозчи М. Исмоиловга ҳам икки хонали уйини Б. Ахромовга абадий яшаш учун топширдилар.

Шунингдек, Кетмонтепа луб заводидаги катта оилали ишчиси С. Ирисдалов ҳам бир хонали уйда қийналиб яшарди. Чин дўстлар «хашар» усулида унга икки хонали уйи айвони билан қуришиб бериб, бу оилани ҳам қийин шароитдан халос этдилар.

Яқинда Свердлов номли колхознинг дондор мол боқари Авел Унгоров иш пайтида жароҳатланиб, шифонага тушиб қолди. Шунингдек, Кетмонтепа луб заводи ишчиси М. А. Дроздин ҳам бетобланиб шифонага ётди. Колхоз, завод раҳбарлари ва чин дўстлар улардан руҳланиб, тез соғайиб, ишлаб чиқаришга келиб ўз ўринларида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Аммо ораминда коммунистик ахлоқ қондаларига пугур етказувчи шахслар ҳам учраб туради. Масалан, Свердлов

номли колхозда истиқомат қилувчи, Оққўрғон автотранспорт паркиннинг, Тошкент-Оққўрғон маршрут бўйича автобус ҳайдовчиси Сайфитдин Хусанов ҳушомадийчиликка, пул орттиришга ўтди, хотинбозлиқни «каб» қилиб олди. Кўз очиб кўрган аёли Тамара Ортиқованинг устига уч маротаба хотин олиб, хотин қўйди. Т. Ортиқовани икки гўдаги билан уйдан ҳайдаб юборди. Автотарк раҳбарлари Хусановнинг «каб» дўстлигига маҳлиб бўлишиб, уни ахлоқ жиҳатдан тарбиялашни унутиб қўймоқдалар.

Свердлов номли колхоз аъзоси Камоф Убосаров эса, оқ сўт бериб катта қилган онани Ойқиз хола Номозбоевани уйга сиғдирмай, бошқалар қўйга бериб қўйган. Жамоатчилик бундай коммунистик ахлоқ қондаларини бузувчиларни ўз вақтида тарбиялаб чиқариб қўйишга қодирдир.

Дўстлик, ўртоқлик биродарлик янги кишини, тарбиялашда, коммунизм қурилишининг партиямиз белгилаб берган улкан режаларни ҳаётга табиқ еттишда қудратли куч манбаи бўлиб хизмат етишини унутмайлик.

Ҳ. ЮСУПОВ,
Қуйи Чирчиқ районидagi Свердлов номли колхоз партия комитети сиёсий маориф кабинетининг муdiri.

АССАЛОМ, МОСКВА

Ассалом, Москва! Ватан пойтахти, Истиқбол қуёши — нурафшон дийр. Барча халқ ҳуқуқи, мақсади, бахти, Санда ифодасини топиш бекорлар. Букун бағринидаман, қалбда эрур қувонч. Чиройинг таърифини сўзлашга тил дол. Санда ҳар дилдаги умид ва ишонч. Ва эзурулар топади қамол. Кремль сузлайди — сузлайди Ленин, Ҳозирги фаровон бахтиёр қунади. Созида қон-қардош советлар элини Маҳжун куйлашдан мағрур, манжунман. Москва, ўзингсан, жаҳон меҳари, Ёларин қақшатган қаҳрамон шаҳар. Меҳнат, иқдомиз, шонимиз бари Меҳринг жилосидан чирой, кўр топар. Сер хурилик, чин дўстлик, тинчлик маёғи, Мангулик нурингдан баҳраманд жаҳон. Сенсан бахт-иқболнинг битмас булоғи, Бу олод давронда шод яшар инсон.

Абдужаббор МАННОПОВ.

ЖАНГНОМАМИЗ ТАҲЛИЛИ

Улуғ Ватан уруши йилларида адабиётимиз янги бадиий полотнолар билан бойиди. Бу давр адабиётида баҳодир халқимизнинг характериға хос бўлган ялпи сафарбарлик, оммавий қаҳрамонлик бутун тўлалиги билан ифода этилган, улар халқимизнинг буюк жангномаси даражасига кўтарилган.

Ана шу буюк жангноманинг тугилиши, тарихий ривож, таркиб қилиш тенденциялари, жанр, услуб, қаҳрамонлар тақлиқи ва бу давр адабиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бир қанча тадқиқот ишлари бор. Шундай бўлса ҳам, адабиётшунослигимизда бу давр адабиёти тўла ва етарлиқ таҳлил этилган йиллар асар йўқ эди. Филология фанлари доктори С. Маммажоннинг «Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти томонидан 1975 йилда нашр этилган «Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти» номли монографияси шу соҳани тўлдиршга хизмат этди.

Китоб уч бобдан иборат бўлиб, ўзбек совет адабиётининг Улуғ Ватан уруши йилларида таркибига хос хусусиятлар таҳлили этилди. Асарнинг биринчи бобида уруш даври поэзия жанрига, иккинчи бобида проза жанрига, учинчи бобида драматургия жанрига хос хусусиятлар, жанрларнинг таркибига тенденциялари батафсил ёритилди.

Монографиянинг кириш қисмида урушга бўлган ўзбек совет адабиётининг таркибига таълиқлар ҳам назар ташланди. Мазмунли, Улуғ Ватан уруши давридаги турган кўндалар Тошкент мамлакатимизнинг адабий марказларидан бирига айланган эди.

Иттифоқимиздаги улкан суз санъаткорлари ва Европадаги бир неча антифашист шоирлар ўзбек каламкашлари билан ижодий ҳамкорликда бўлиб, республикамиз марказида яшадилар. Бу ижодий дўстлик эса, ўзбек адабиёти таркибига муҳим омиллардан бири бўлгани тўғри баён қилинган.

Уруш йилларида ўзбек поэзияси етакчи жанр сифатида

мий тақлиқ этилган. Тадиқотчи Ҳамид Олимжоннинг романтик бўёққа бой асарлари, Гафур Ғулومнинг публицистик фалсафий шеърлари, Уйғуннинг манзарали ва сербўёқ шеърлари, Зулфиянинг драматизм билан сўғорилган шеърлари асосида шоирларимиз ижодига хос услубий ранглик, баранглик реал тасвирланган.

Бу давр ўзбек поэзияси

ТАҚРИЗ

оператив хизмат қилди. Ойбек, Гафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Уйғун каби шоирларимиз бу йилларда тўрт-бештадан жанговарлик руҳи билан суғорилган китобларини чоп эттирдилар. Уша даврда поэзиямиз сон билангина эмас, гоё-я-бадиий қиммати билан ҳам анча махсулар бўлди. Бу йилларда шоир ва жангчи, халқ ва ижодкор тақдир қўшилиб, поэзиямиз овози бутун совет халқининг овозига, унинг ҳис-туғи, орзу-умидларига жүр бўлди.

Поэзиямиздаги жангдорлик китобининг поэзия бобида кенг тақлиқ қилинади. Ўзбек поэзияси ўзининг янги фазилатлари муҳим қирраларини намойиш қилгани, унинг жанггер, актив, оператив, агитацион поэзия бўлиб қолгани, гоёяйлиги, публицистик руҳи, халқ ва Ватан олдидagi ўз буркли сазиш ҳисси бағоят ошгани аниқ таҳлил қилинган. Поэзиямизнинг тўла маънодаги граждонлик, ватанпарварлик, гуманистик ва оптимистик руҳ касб этгани ил-

ўзининг чуқур мазмунлиги, гоёяй ўткирлиги билангина халқчил бўлимай, тили, форманинг соддалиги, образларнинг еркин ва ҳаётийлиги билан ҳам халққа яқин бўлган. Лирикага хос конкрет ҳаётий фант баллада ва поэмаларда ҳам ўз саломини оширган. Ҳужумкорлик руҳи, жанговар оҳанг, ғалабага қатъий ишонч шеърининг тўб фазилатига айланган. Булар С. Маммажон томонидан жонли мисолларда илмий тақлиқ этилди.

Монографиянинг проза бобида эса, бу давр кичик прозасининг активлашуви асосида унинг янги-янги қирраларини оңилгани айтилди. Бу ўринда Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулум, А. Қажох, Ойбек ва бошқа азувчиларимиз ижоди чуқур таҳлил қилинган. Совет халқлари ўртасидаги методик мустақам дастури, ўзбек халқининг ватанпарварлиги, мардлик, дўстларга садоқати Ҳ. Олимжоннинг «Мен ўзбек халқи номидан сапарман», «Дўстлигимиз ҳақида» каби публицистик асарлари мисоли-


да аниқли қилинади. Бу йилларда фелетон, масал, латифа ва сатирик шеърлар ҳам кўплаб яратилиб, уларда фашизмнинг жоркане баҳараси кўрсатилгани айтилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида драматургиямиз ҳам Совет халқларининг ватанпарварлик, қаҳрамонлик хислатларини тараннум этдилар. Узоқ ўтмиш ва замонавий темаларда ёзилган саҳна асарларида бу гоё бўртиб туради. Уруш йилларида К. Яшиннинг чуқур оптимизм ва кўтаринкилик билан сўғорилган «Элим босқинчиларга», «Одтобхон» каби пьесалари яратилди. Уларда фронт ва фронт орқасидаги қаҳрамонлик мадҳ этилди. Тарихий ва замонавий мавзуларда ёзилган драматик асарлардаги конфликтнинг гоёт кескинлиги, уларда фожиавийликнинг устулиги, характерларнинг еркинлиги муаллиф томонидан тўғри аниқланган. «Алишер Навоий» (Уйғун ва И. Султон), «Муқанам» (Ҳ. Олимжон), «Махмуд Таробий» (Ойбек), «Жалолиддин Мангуберди» (М. Шайхзода), «Одтобхон» (К. Яшин) каби асарлардаги ижобий қаҳрамонлар тақдир, улардаги ватанпарварлик ва қаҳрамонлик гоёлари тўғри тақлиқ этилган.

Китобнинг ҳулоса қисмида уруш даври ўзбек адабиётига ақун ясалиб, урушдан кейинги йилларда ҳарбий мавзуда яратилган асарларга ҳам назар ташланди. Бу мавзунинг чуқур таҳлил объекти сифатида ўрганилиши лозимлиги утирилади.

Асар илмий-адабий жараёнда қўшилган муҳим ҳиссадир.

Норкул БЕКМИРЗАЕВ.



Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент кабель заводи радиоҳаваскорлари ташкил қилган кўргазмага кўплаб экспонатлар юборилган. Заводидаги маданият уйи ҳузурида ишлаб турган радио тўғраги қатнашчилари қўли билан яратилган моделлар ҳадемай қўнчилик эътиборига ҳавола қилинади. Тўғракага ҳозир кабель алоқаси лабораториясининг мудири Алехандр Федорович Чепурнов раҳбарлик қилмоқда. Тўғрак аъзолари радиоҳаваскорларни улаштириш ва қабул қилиб олиш станицияларга етказдилар. Улар қўшни шаҳарлардаги радиоҳаваскорлар билан ҳам яқиндан алоқа ўрнатилган. Ушбу суратда сиз радиоҳаваскорлардан кўнати Сергей Орлов ва слесарь Ринат Шаймухамедовни кўриб турибсиз. Улар радиотўғрак машгулотларида 1970 йилдан бери қатнашиб келмоқдалар. В. Николай фотоси, (ЎЗАТГ).

ИЖОД ЧАШМАСИ

Хонага сирли соқинлик чўққан. Ана шу оёйишатилик бағрида ижод чашмаси қайнамоқда. Опоқ қозғоларда камалак нуридек сержийдо бўёқлар пайдо бўлмоқда. Ғузул шаҳримиз чиройи, боғу-ҳибобларнинг ҳусни-таровати акс этаётти.

Қаршимизда — муҳташам дирк биноси. Унинг жиллола-

ри бўёқлар изида яна ҳам бўртиб турибди. Еш ҳаваскор расом Шухрат Қўрбоннов санъат қононасининг кўринишини моҳирона тасвир этган.

Киров районидagi Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Маллов номли пионерлар уйи расомчилар тўғрагининг раҳбари П. Шестаков эса

шоғирдларининг ҳаракатларини кузатар, маслаҳатлар беради.

— Ҳар бир ёш расомнинг, дейди Павел Михайлович, — матлуз даражада ўз йўли, услуби бор. Мен аввало ўқувчининг қизиқиши, интилиши, қобилиятини ҳис этиб, кейингина кўрсатма берман. Унинг

ўзига яраша йўл танилашга ёрдам бериш юқорига нилла-поллардан етаклашдек гап. Ешлар устоз стол устида қалингина альбомни олади:

— Мана, бунда Ленин музейи на редакциялар биноси акс этирилган. Фарҳод Маннопов ранг ташлашга айнакка диққат беради. Ҳар бир деталнинг қалби қўрилишини истади. Еш ижодкорнинг кўпгина асарлари «Гулухан», «Ғунча» журналларида эълон қилина-

ётгани ҳам бежиз эмас.

Тўғрак хонасини томоша қилар эканмиз, табият ғузалликлари, улкан қурилишлар, портретлар, эскиз, расмлар эътиборини тортади. Ҳар бир ўқувчининг ўз ижодий альбоми бор.

Еш расомлар тематик экскурсияларга ҳам бориб туришди. Айниқса, улар пойтахтимизнинг иқтилобий-тарихий ва эсдалик жойларини акс этириш бўйича кўпгина аjoyиб расмлар яратилган. Яқинда улар

санъат музейида бўлиб, катта таассурот билан қайтидлар.

Кичкинтой расомлар ҳам жонажон Коммунистик партиямизнинг XXV съезиди бағишлаб кўпгина расмлар чизилган.

Б. СОЛИХОВ.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26.

ТЕЛЕФОНЛАР

коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.